

## Ҳаргиз касодга учрамайдиган тижорат

14:42 / 22.04.2017 3589

### ميجرللا نحرللا هللا مسب

دعب اما هللا لوسر يلع مالسللا ةالصللاو هللا دمحللا

Аллоҳ таоло инсонларни ҳаётини дунёда тўла-тўқис ҳаёт кечиришлари ва шунинг сабабидан охиратини ҳам обод қилишлари учун барча шарт-шароитларни мукамал равишда яратиб берганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мазкур шарт-шароитлардан бири инсонларни ўзаро олди соттиларини ҳалол қилишларидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

اَبْرارللا مَحَوَّعَ وَيَبْلُا لَلللا لَحْاَو

**“Аллоҳ таоло байни (олди-соттини) ҳалол қилди, ва рибони ҳаром қилди”.**

Нима учун “бай”ни ҳалол қилди-ю “рибо”ни эса ҳаром қилди? – Чунки байда ўзаро рози-ризочилик билан олди берди қилинади. Қолаверса, байда меҳнат қилинади ҳамда доимо фойда билан зарарни ўртасида тараддуланиб турилади.

Рибода эса мутлақо бунинг тескариси, бошқаларнинг меҳнатини эвазига бир жойда ўтириб олиб кайфу-сафо қилган ҳолда мўмайгина фойда олинади. Қолавера ҳар қандай ҳолатда ҳам рибохўр молиявий зарар кўрмайди (унинг барча зарарлари охирага олиб қўйилади).

Шариатимиз бандаларни доимо ҳалол меҳнат ва тирикчилик воситалари билан шуғилланишга чақиради. Рибохўр эса бу чақириқнинг тескарисини амалга оширади. Шунинг учун у ҳаром қилингандир. Зотан бундай ишларнинг барчаси яъни рибо, ўғирлик, қароқчилик, зўравонлик, порахўрлик, фирибгарлик ва шариат ҳаром қилган нарсаларни савдоси билан шуғилланиб молу-дунё орттиришлик дейилади. Буларни барчасини Аллоҳ таоло қуйидаги ояти- каримаси орқали ҳаром қилгандир.

عَنَّا رَاجَتَن وَوَكَّتَنَّا لَلللا لَطَابَلللاب مُمْكَنِّيَب مُمْكَلللاؤمَّ اُولُكُاَت ال اُونَمَّآ نِي دَلللا اَهَيَّ اَي مُمْكَن مَضَّارَت

**“Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманглар. Магар ўзаро розилик ила тижорат бўлса,**

**майли”** (Нисо 29 оят).

“Ботил йўл билан” деганда шариъат кўрсатмаларига зид бўлган ҳар қандай йўл билан деганидир.

**“Магар ўзаро розилик ила тижорат бўлса, майли”**, деганда ҳам нимани бўлса ҳам ўзаро розичилик билан олди-сотти қилинса бўлаверади дегани эмас. Балки шариъат кўрсатмаси бўйича барча шартлари топилсагина дуруст ва ҳалол бўлади. Агар биз мазкур кўрсатмаларни ва шартларни бирма-бир айтиб ўтадиган бўлсак гап анчагина чўзилиб кетади, шунинг учун бу ҳақидаги маълумотларни келтиришдан тўхтаб биз асосий ёритмоқчи бўлган бош мавзуга қайтсак. Яъни “Ҳаргиз касодга учрамайдиган тижорат”га. Ҳайрон бўлаётгандирсиз, бир озгина олдин ҳар қандай тижоратда (олди-сотти) фойда ва зарар бўлишлик эҳтимоли бор дейилганди, энди эса ҳаргиз касодга учрамайдиган тижорат дейилмоқда, шунақаси ҳам бўладими? Ҳар қандай савдогар ҳам бирда бўлмаса бирда зарарга кириб қолиши **мумкин-ку**, деб ўйлаётгандирсиз.

Бу борада сиз ҳақсиз. Агар ҳақиқатдан тижорат ўзаро бандалар ўртасида бўлса ҳар қандай ҳолатда ҳам зарар кўриб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Аммо биз айтмоқчи бўлган тижорат Аллоҳ таоло билан бандалар ўртасида амалга оширилади. Бунда бандалар фақатгина харидор бўладилар холос, яъни Аллоҳ таолонинг ўз бандаларига охиратда берадиган барча неъматларига жумладан: Ўзининг ризолиги, жамолини кўрсатиши, жаннати, абадий роҳати, мағфирати, раҳмати, фазли ва хоказоларга харидор бўладилар. Ва албатта бандалар мазкур тижоратда ҳеч қандай зарар кўрмайдилар, кўришлари мумкин ҳам эмас. Зотан Аллоҳ таоло ҳеч қачон ваъдасига хилоф қилмайди, харидорнинг ҳаққига хиёнат қилмайди, тарозудан уриб ўлчамидан қисқартириб қолмайди. Балки аксинча, Аллоҳ таоло харидор бўлган бандаларига ўз фазлу барокатидан ошриб, кўпайтириб беради. Бу эса бандаларнинг харидорликдаги ихлослари, муҳаббатлари ва тақволарига боғлиқ бўлган ишдир. Қолаверса мазкур тижоратда фақатгина пул бирликлари воситалари билангина эмас, балки барча амали солиҳларни эвазига ҳамда гуноҳлардан сақланишларни эвазига юқорида номлари зикр қилинган неъматларни сотиб оласиз. Аллоҳ таоло мазкур тижорат тўғрисида қуйдагича марҳамат қилади:

﴿يَنْ أَلَعَّ وَاَرْسُ مُمْهَانُ قَزَّرَ اَمَم اَوْقَفَنْ اَوْ ءَا لَّصَلَا اَوْمَاقْ اَوْ ءَلَلَا بَاتِكَ نَ وُلْتَي نِي دَلَّ اَنَّ اِنْ رُوْكَش رُوْفَعُ ءَنَّ اِ هَلْ صَفْ نَم مُمْهَدِي زَي و مُمْهَرُجْ ا مُمْهَيِّفْ وِي ل رُوْبَت نَل ءَرَا جَت نَ وُجْرِي

**“Албатта, Аллоҳнинг китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўқис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ қилганлар, ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар. Чунки У зот уларга ажрларини тўлиқ қилиб берур ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилур. Албатта, У ўта мағфиратли ва ўта шукр қилгувчидир”** (Фотир 29-30 оят).

Мана азизлар “ҳаргиз касодга учрамайдиган тижорат” ни ҳам билиб олдик. Асосийси бу тижоратда ҳеч ҳам ноумид бўлмаймиз, хафа бўлиб ғаму ташвишларга ботмаймиз. Чунки ҳеч қачон зарар кўрмаймиз! Қолаверса ўзаро бандалар билан бўладиган тижоратдан анчагина осон ва енгилроқ, машаққати озроқ аммо, фойдаси эса қиёс қилиб бўлмайдиган даражада кўпроқ. Зотан оддий тижоратчиларни ҳаётига эътибор берадиган бўлсангиз кўпчилиги тинмай чет элга қатнайди, кечани-кеча, кундузни-кундуз, ёзни-ёз, қишни-қиш демайди. Бутун сафари давомида асаби бузилиб хавфу-хатарда юради. Биз айтаётган тижоратда эса имкони бўлса умрида бир мартагина ҳаж сафарга чиқса бўлди. Бу сафарда ҳеч қандай хавфу-хатар, асаб бузилиши бўлмайди, балки барча шароитлар етарлидир. Яна бошқа тарафини қиёс қилиб кўрайлик. Кўпинча тижоратчилар бозорларда туриб олиб тижорат қиладилар, ҳар саҳарлаб соат 1-2 дан бошлаб эртаси кечгача об-ҳаво қизиқтирмайди болаларининг тарбиясига ва ҳаказоларга мутлақо вақтлари йўқ. Охират тижоратида эса, бир кеча кундузда бор йўғи 5 маҳал намоз ҳаммасига тахминан таҳоратлари билан хисоблайдиган булсак нари борса 2 соат. Мазкур қиёсни ҳоҳлаганча давом эттириш мумкин, лекин гапни чўзмасдан бошқа далилларни ҳам келтириб ўтайлик.

دَابُّ الْعِلَابِ فَوْزٌ وَالْوَعْدُ لِلَّهِ وَالْوَعْدُ لِلَّهِ لَئِنْ أَصْرَمَ آءِغْتَابُ الْعَسْفَنْ يَرْشَىٰ نَمَسٌ لِّلَّهِ نَمَو

**“Ва одамлардан Аллоҳнинг розилигини тилаб жонини сотадиганлар бор. Ва Аллоҳ бандаларга меҳрибондир”** (Бақара 207 оят).

Бу оятда эса банда харидор эмас балки сотувчи сифатида гавдаланаяпти. Ҳа азизлар Роулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни таълиму тарбияларини олган Асҳоблар нафақат харидор бўлиб Аллоҳнинг розилиги йўлида чеккан заҳматлари, машаққатлари, ихлосу-муҳаббатлари эвазига сотиб оладилар. Балки Аллоҳнинг розичилигини истаб ўз жонларини сотишликка ҳам доимо тайёр. Бу борада заррача шубҳа бўлиш мумкин эмас. Мазкур сўзимизнинг исботи Суҳайб Румий розияллоҳу анҳу қилган тижоратларида ўз аксини топган.

Имом Фахриддин Розий ривоят киладиларки, Суҳайб ар-Румий Мадийнаи Мунавварага хижрат қилиб жўнаганида, Қурайш мушрикларидан бир гуруҳи у кишини кайтармоқчи бўлиб ортидан борибди. Шунда у киши уловидан тушиб, ўқдонидаги ўқларни тизиб қўйиб, камонни кўлларига олибди-да:

«Эй Қурайш аҳли, менинг ичингизда энг мерганлардан бири эканимни яхши биласизлар-а?! Аллоҳга қасамки, ўқдондаги ўқ тугамагунча, биттангиз ҳам менга якинлаша олмайсиз! Сўнгра, қиличим билан, қулимда канчаси колса, шунчаси билан чопаман. Кейин нимани истасангиз, килаверасиз!» — деди. Улар:

«Сен бизнинг юртимизга келганингда ҳеч нарсанг йўқ гадо эдинг, хозир эса, кўплаб мол-дунёга эга бўлдинг», — дедилар. Суҳайб:

«Молимнинг каердалигини айтиб берсам, ўз йўлимда кетавераманми?» — деди. Улар, ҳа, деган эдилар, у моли Макканинг каерида эканини айтиб берди. Мадийнага келиб Пайғамбар алайҳис саломнинг хузурларига кирди. Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассаломуни кўришлари билан: «Савдо фойда келтирди, эй Суҳайб! Савдо фойда келтирди, эй Суҳайб!» — дедилар. Бир оз туриб Аллоҳ таоло: «Ва одамлардан Аллоҳнинг розилигини тилаб жонини сотадиганлари бор», деган ояти каримани нозил қилди.

Мазкур воқеадан кўриниб турибдики банда банда Аллоҳ таоло билан тижоратни йўлга қўядиган бўлса албатта фойда кўради. Бунда банданинг харидор ёки сотувчи бўлишини фарқи йўқ.

إِنَّ جَلَّ جَلَّ اللهُ نَبَّأَهُمْ وَأَوْمَرُوا وَمَسْفُونَ أَيَّ نِيْمٌ مُمْلِجًا مَنَى رَشَّ الْجَلَّ لَانِ

**“Албатта, Аллоҳ мўминлардан уларнинг жонлари ва молларини жаннат эвазига сотиб олди”** (Тавба 111 оят).

Ушбу савдо алоқасида Аллоҳ таоло харидору, мўмин инсон сотувчи. Мўмин-мусулмон бўлиш билан инсон ўз жони ва молини Аллоҳга сотади. Аллоҳ таоло эса мўмин мусулмон бандасига жонингни ва молингни Менинг йўлимга тиксанг, Мен бунинг эвазига жаннатни бераман, деб сотиб олади.

«Албатта, Аллоҳ мўминлардан уларнинг жонлари ва молларини жаннат эвазига сотиб олди», дегани шу маънони англатади. «Сотиб олди», яъни, савдо тугади. Шунинг учун ҳеч бир мўмин-мусулмон шахс савдони бузмасликка, Аллоҳга сотган жони ва молини беришга доим тайёр турмоғи лозим.

Аллоҳ таолонинг севиқли бандалари бор-будларини ҳаттоки жонларини сотиб бўлса ҳам Аллоҳнинг розилигини ва жаннатни қўлга киритишликка тайёр турганларида Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган бандалар мазкур неъматларни арзимас дунё матоҳларига алмаштиришга тайёрлар.

Буларни ояти карималарнинг маънолари билан номлайдирган бўлсак “тижаротлари мутлақо фойда келтирмайдиганлар” дейишимиз мумкин.

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اَلَا يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا

**“Ана ўшалар, ҳидоятга залолатни сотиб олганлардир. Ва тижоратлари фойда келтирмади ҳамда ҳидоят топганлардан бўлмадилар”** (Бақара 16 оят).

رٰٓنِۤالَّذِيْنَ اٰمَنَ فَاَرْفَعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ

**“Ана ўшалар адашувни ҳидоятга, азобни мағфиратга сотиб олганлардир. Дўзах ўтига қандоқ чидайдилар-а?!”** (Бақара 175 оят).

مِّمَّنۡ اٰمَنَ فَاَدۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ

**“Албатта, куфрни иймонга сотиб олганлар Аллоҳга ҳаргиз бирор зарар етказа олмаслар. Уларга аламли азоб бордир”** (Оли Имрон 177 оят).

مُّهٖۤ اَلۡوٰٓءُۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ وَّادۡعُوْا لِّهٖۤ اَبۡرَاجًاۙ

**“Ана ўшалар дунё ҳаётини охиратга сотиб олганлардир. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас”** (Бақара 86 оят).

Мазкур оятларни тафсир ва маънолари билан ҳамда нозил бўлишлик сабабларини ўрганар эканмиз бу тоифаларнинг ўзларича ҳар тарафлама фойда кўришлик учун амалга ошираётган тижаротлари аслида ҳеч қандай, яъни на дунёвий ва на ухровий фойда келтирмаётганлигини гувоҳи бўламиз. Аслида бизнинг дунё ва охиратимиз учун қандай амаллар фойдалиқ ёки зарарлиқ эканлигини ўзимиздан кўра аллоҳ таоло билувчиروқ эканлигини эътироф этган ҳолда шунга мувофиқ ҳаракат қиладирган бўлсак алаҳхусус олди-сотти ишларида **“Ҳаргиз касодга учрамайдиган тижорат”** аҳлларида бўлишимиз муқаррар. Аммо ўз билармонлик билан фойда кўрмоқчилиқни ҳар қанча ҳаракатида бўлганимиз билан аслида фойда деб қабул қиладиган нарсаларимиз айна зарардан ўзга нарса эмаслигини кўпчилигимиз тушунмаймиз. Балки мазкур

ояти каримада зикри келган мунофиқларнинг қиладирган тижаротлари, яъни Аллоҳ таолонинг ҳидояти ўрнига залолатни, иймоннинг ўрнига куфрни, охиратнинг ўрнига эса дунёни сотиб олган мунофиқлар каби ҳар тарафлама зарарга киришлигимиз муқаррардир. Лекин инсоннинг табиати ўзининг тутган йўлини доимо тўғри ва манфаатли деб қабул қилади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда қуйдагича марҳамат қилган

نُوحِرَفْ مَوْءِدَلِ مَبَبِ زَحْلُك

**“Ҳар фирқа ўз ҳузурларидаги нарса ила хурсанддирлар”** (Мўминун 53 оят).

Азиз ўқувчи биз юқорида тижаротнинг уч хил турини яъни:

- 1) Фойда ва зарар бўлиши эҳтимоли бўлган тижарот;
- 2) Ҳаргиз касодга учрамайдиган тижарот;
- 3) Ҳаргиз фода келтирмайдиган тижарот.

Ҳақида сўз юритдик Аллоҳ таоло ўз бандаларига қайси йўлни танлашлиги ҳақида жузий ихтиёрни берган. Демак ҳар ким ўзи хоҳлаганини танлашлик ихтиёрига эга. Танловингизга қараб натижани кутаверасиз.

***“Тўхтабой” жомеъ масжиди имом хатиби:***

***Исақжон домла Бегматов***